

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ
ҒАФУР ҒУЛОМ УЙ-МУЗЕЙИ

Ўзбекистон халқ шоири, атоқли адаб ва
таржимон, академик Ғафур Ғулом ижодига
бағишиланган

“ҒАФУР ҒУЛОМ: ШАРҚДАН КЕЛАЁТИРМАН

ГАФУР ГУЛЯМ: ИДУ С ВОСТОКА

GAFUR GULYAM: I AM COMING FROM THE EAST”

мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий
конференция материаллари түплами
Тошкент, 2021 йил 21 май



Тошкент – 2021

УДК: 821.512.133

Маъruzачилар:

- | | |
|-----------------------------|--|
| А. Хошимхонов | — ТДЮУ Ёшлар масалалари ҳамда маънавий-матьрифий ишлар бўйича проректори |
| Марк Эдуард Риз | — “Хасарбоши ўзбекадабиётигаумумий нигоҳ: “Ўткан кунлар”да адолат тушун чалини” |
| Сувон Мелиев | — “Ўғригина болам” бадиияти |
| Қосимжон Маъмуроев | — “Ўзбек адабиёти хорижий таржималарда: “Сен етим эмассан...”нинг инглизча таржималари хусусида” |
| Лайло Шарипова | — “Faafur Fулом шеъриятида фольклоризмлар” |
| Алмаз Улви Биннатова | — “Faafur Fулом ва Озарбайжон” |
| Нодир Рамазонов | — “Саъдий ва Faafur Fулом” |
| Насиба Ниязова | — “Гафур Гулям и современность” |
| Насиба Бозорова | — “Faafuroна тарона”даги дурдана қайдлар. |

Ташкилий кўмита:

Н.Рамазонов, Д.Хашимова, Ш.Кучимов, Г.Гулямова,
Д.Расулмуҳамедова, Н.Ниязова, Ш.Зиямуҳамедова, Н.Бозорова,
У.Пулатова, Р.Матенов, А.Фаттахова, О.Чориев.

Ғафур Ғулом ижодига бағищланган “Ғафур Ғулом: Шарқдан келаётирман” / “Гафур Гулям: Иду с Востока” / “Gafur Gulyam: I am coming from the East” // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари түплами. – Т.: ТДЮУ, 2021. 192 бет.

Тошкент давлат юридик университети ректорининг 2020 йил 26 майдаги 08-93-сонли “Ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи ижроси юзасидан таълим соҳасида илмий-назарий ҳамда илмий-услубий изланишлар олиб бориш, тажриба алмашиш, ёш ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг адаб ижодини тўлақонли равишда ўрганишга йўналтирилди.



*Шұхрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маңбадин ёқмоқ шарт әмас,
Күпларнинг баҳтига ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир ғишиң қўйсанг, бас!*

Faфур Fулом



ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

(академик Б.Назаров тадқиқотлари мисолида)

Шоира АҲМЕДОВА,
*БухДУ профессори,
филология фанлари доктори*

Истиқлол арафалари ва тўқсонинчи йиллар бошларидағи мақолаларда, Ғафур Ғулом шеъриятидаги замонасозлик, шахсга сифиниш иллатларининг акс этиши, шунингдек, унинг Абдулла Қодирий ва Мақсад Шайхзодага муносабати ҳақида турли хил фикрлар баён этилди. Бу хил қарашлар аста-секин барҳам топиб, Ғафур Ғулом ижодини холис, ҳаққоний қайта баҳолаш бошланди. Унинг ижодига ёндашувда халқимизга хос бағрикенглиқ, тарихийлик тамойилига асосланиш мезонлари устувор мавқе эгаллаб борди. У ҳақдаги мақола, хотира ва тадқиқотларда шоир ҳаёти ва ижодига тизимли ёндашув фазилатлари сезилди. Поэтик маҳорат, шоир истеъоди, ижодий психология ва таржимаи ҳоли билан ўзаро бутунликда талқин этила бошланди. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони А. Ориповнинг «Ўзбекнинг ўз шоири» мақоласида шўро даврининг маккор сиёсати ва ҳоким мағкуранинг адабиётга етказган зуғуми, ўзбек ижодкорлари қадр-қимматининг топталиши, ижод эркинлигининг бўғилиши оқибатида кўплаб шоирлар замонасозлик руҳида асарлар битишга мажбур бўлганликлари таъкидланади. Ғафур Ғулом ижодига ана шундай умуминсоний мезон билан назар ташлаб, энг аввало, шоирнинг жуда катта истеъодод соҳиби сифатида ҳоким мағкура тазиикларига қарамасдан ўлмас асарлар

яратгани, унинг ижод намуналари ўткинчи майда туйғулар билан эмас, балки қадим Шарқ шеъриятига хос бўлган фалсафийлик, кенг қамровлилик, донолик билан нурланиб тургани шеърий ва насрый асарлари мисолида кўрсатилади. Мақолада илгари сурилган концепция, яъни энг аввало, Шарқ, ислом фалсафасига хос бўлган инсонийлик, қадриятларни асраб-авайлаш туйғуси бошқа мақолаларда ҳам ўз аксини топа бошлади.

У.Норматов «Шум бола» «Мафкуравий-сиёсий тазиик шароитида руҳ эркинлиги»¹ номли мақоласида қиссани таҳлил қиласар экан, уни шўро даврида яратилган бўлишига қарамасдан давр сиёсати ва мафкурасидан батамом холи бўлган ўзбек турмуш тарзининг турли қатламларини ҳаққоний ёритиб бера олган асар сифатида баҳолайди.

Бу даврда Б.Назаровнинг «Faфур Fулом олами» (2003), Н.Каримовнинг «Faфур Fулом ижодиёти» (2003), Т. Матёқубованинг “Faфур Fулом бадиияти” (2006) номли иирик тадқиқотлар ҳам яратилди.

Мустақиллик йилларида Б.Назаров янги даврнинг янги методологик мезонлари муаммосига доир туркум тадқиқотлар эълон қилди. Олим буишларида ўзбекадабиёти намуналарига умумбашарий мезонлар ва Мустақиллик гояси асосида янгича ёндашув намуналарини кўрсатди. Бундай ишлар орасида “Faфур Fулом олами” (2004) монографияси алоҳида ўрин тутади. 2003 йилда F. Fулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан танқидчининг “XX аср ва Faфур Fулом” мақоласи нашр этилган ва унда ҳақли равища шоир шеъриятининг бугунги кундаги ўрни илмий асосланган эди. Унда наинки XX асрнинг F. Fулом ижодига, балки буюк ўзбек шоири F. Fуломнинг XX аср жаҳон адабиёти, жаҳон маданияти ва тафаккурига ўтказган таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилинди.

“Faфур Fулом олами” тадқиқотида шоирнинг нафақат

¹ Норматов У. Ижод сехри. – Т.: Шарқ, 2007. – Б.145.

шеърияти, балки халқчил насли, ҳажви зукко олим нигоҳидан янгича мағкура нуқтаи назаридан ўтказилади. Б.Назаров асарининг янгилиги шундаки, унда Faфур Fулом оламининг юқорида санаб ўтилган деярли барча қирралари юзасидан аввалгилардан фарқли кузатишлар, фикр мулоҳазалар ва умумлашмалар илгари сурилган.

Шоир тирик бўлган даврлардан бошлаб, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги Faфур Fулом ҳаёти ва ижоди ҳақида узлуксиз илмий изланишлар олиб боради. Faфур Fулом мавзуи туркий халқлар, собиқ шўро таркибидаги юртлар, ўзга эллар адабиётшунослигида ўрганилган. Шоир ижоди ҳақида қатор илмий бақувват, етук тадқиқотлар (Х.Ёқубов, С.Мамажонов, Н.Каримов ва ҳ.к.) яратилган бўлса-да, faфургуломшуносликда Бахтиёр Назаров Faфур Fулом ижоди, унинг бадиий олами ҳақида ўзининг оҳорли сўзини айта олди. “Faфур Fулом олами” китобидаги концепция, талқин, таҳлил, баҳолашда ўзига хослик бор. “Оlam ичра олам. Bu машхур сўзларни эслашимга академик Бахтиёр Назаровнинг “Faфур Fулом олами” номли янги китоби сабаб бўлди, деб ёзади С.Содик. Китобда муаллиф Faфур Fулом ижодини, шоир руҳияти, шахсиятини мутлақо бўялмаган, ялтиратилмаган шаклда очиб беришга интилган. Мавзуни тўлиқ ва яхлит қамраб олмоқ учун танқидчи шоирнинг ҳаёт ҳамда ижод йўлини, шеърияти, достончилиги, насли, адабиётшунослигию муаррихлигини ўзаро боғлиқликда ёритишга ҳаракат қилган”¹².

Фақат бунинг ўзигина китобнинг қадр-қимматини, янгилигини белгилай олмайди. Чунки йиллар давомида бу ўналишда кўплаб тадқиқотлар яратилган. Б.Назаров асарининг янгилиги шундаки, унда Faфур Fулом оламининг юқорида санаб ўтилган деярли барча қирралари юзасидан аввалгилардан фарқли кузатишлар, фикр мулоҳазалар ва умумлашмалар илгари сурилган. Фикрлар ўзига хос

¹ С.Содик. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. – Тошкент. “Шарқ”, 2005, 236-бет.

таҳлилий услуг воситасида исботланган. Масалан, муаллиф ҳозиргача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келган, лекин Faфур Fуломнинг хужжатлари, ўн икки жилдлик асарлари тўпламида учрайдиган уч муҳим далилни илмий истеъмолга олиб киради. Улар орасида Faфур Fулом ёшлигидан жадидларнинг “Ҳаёт” мактабида, “Бароқхон” мадрасасида таълим олганлиги, мударрис Саидаҳордан бир сандиқ китоб олиб ўқигани тўғрисидаги далиллар, айниқса, аҳамиятли. Бу далиллар воситасида мунаққид Faфур Fулом шарқ адабиётини, айниқса, Бедил ижодини яхши билиши, асарлардаги теран фалсафийлик сабабларини ва олий маълумот олмагани ҳолда жаҳонга таникли адиб даражасига кўтарилиши илдизларини очишга муваффақ бўлган. Демак, Б.Назаровнинг китоби, биринчи навбатда, Faфур Fуломнинг кўп жиҳатдан тўлақонли илмий биографиясини яратишга хизмат қилиши билан муайян қиймат касб этади.

Муаллиф Faфур Fулом ижодининг тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келган бошқа қирраларини ҳам теран таҳлилэтган. Жўмладан, Faфур Fуломнинг кутилмаган, янги тимсоллар яратиш ва улар замираиди битмас туганмас маънолар мужассамлаштириш истеъдодини ажратиб кўрсатади. Шоирнинг “Ассалом” шеърини таҳлил қиласи экан, асарда бошқа мунаққидлар пайқамаган, оҳорли поэтик образлар мавжудлигини қўйидагича талқин этади: Faфур Fулом “кутилмаган бир бадиий образ ишлатадики, уни ҳеч муболағасиз, кашфиёт даражасида дейиш мумкин: Янги урушлар учун Европа тутантириқ”¹. Бу тимсолнинг янгилигини ва мазмундорлиги кўрсатиш учун Б.Назаров унинг бошқа биронта ҳам машҳур шоир ижодида учрамаслигини, теран маънони, хусусан, урушлардан огоҳликка чақиришдек эзгу ғояни ифодалашга хизмат қилганлигини исботлаб беради.

¹ Назаров Б. Faфур Fулом олами. – Тошкент: “Фан”, 2003. 30-бет (кейинги ўринларда шу китобнинг саҳифалари кўрсатилади).

Агар эътибор берилса, олим адабиётшунослик ва адабий танқиднинг янгидан вужудга келаётган методологик тамойилларидан бири – талқинда бадиий асар матни қаърига яширинган поэтик маъно – мазмунни топишга ундаётганини сезиш мумкин. Чунки бадиий матннинг зоҳирий қатламидаги маъно шўро даври цензурачиларини чалғитувчи ҳолат бўлиб, ижодкорнинг асл мақсади сўзлар қатига жойланган яширин маъноларда мавжуддир. Б.Назаров ҳам ушбу методологик тамойил асосида Ғафур Гуломнинг XX асрнинг глобал мавзуларига бағишлиланган «Поль Робсонга», «Тинчлик минбаридан», «Атом», «Ғолиблар шарафига» каби бир қатор шеърларини қайта таҳлил қилас экан, шоир шеъриятига хос бўлган асл инсонпарварлик, халқпарварлик мотивларини кўрсатиб беради¹.

Халқ оғзаки ижодида қаҳрамоннинг ковуши тўқсон қўйнинг терисидан тикилгани ҳақида кишини ҳайратга солувчи муболағалар учрайди эди. Ҳатто ўша халқ достонларида ҳам инсон аламини ер қуррасидаги бутун бир қитъадан оғирроқ қилиб кўрсатишдек китобхон туйғуларига кучли таъсир қиласиган, онгини забт этиб оладиган муболаға кўзга ташланмаганлигига таҳсин айтишдан ўзга чора қолмайди. Мунаққид аниқлашича, Ғафур Гуломнинг хизмати шундаки, у фақат ўз халқи адабиёти ёки оғзаки ижоди доирасидагина эмас, балки бутун жаҳон миқёсдаги сўз санъатида ҳам янгилик ҳисоблашувчи бадиий тимсоллар кашф эта олган. Шундай тимсолларнинг энг ёрқин намунаси сифатида китоб муаллифи шоир шеъриятидаги атом образини ажратиб кўрсатади. “Тинчлик минбари”, “Тинчлик кўклами” сингари кўплаб шеърларининг муфассал таҳлилидан аён бўлишича, бу тимсол бутун инсоният ҳаётидаги энг муҳим муаммо,

¹ Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Чин олимлик саодати. – Тошкент: “Наврӯз”, 2015. 68-бет.

яъни тинчлик учун курашнинг бадиий талқинига хизмат қилдирилган.

Бундан ташқари Бахтиёр Назаровни Гафур Фулом оламига танқидчилик илмининг нозик томонларини билиши олиб кирди. Адабий танқидни фан дегувчилар ҳам, санъат деб билувчилар ҳам бор. Улар ўртасидаги баҳс неча неча ўн йилликлардан буён давом этмоқда. Танқид илмини нозик илғовчилар бу азалий баҳсга муносабатларини билдириб бўлганлар. "Биз адабий танқидни илм дегувчиларнинг далилларини асослироқ, деб топамиз, - деб ёзади Б.Назаров, ундаги бадиий мушоҳада, тахайюл, тасаввур эса, жанрнинг мақбул ўзига хос хусусиятлари тарзида зоҳир топади, бусиз адабий танқид ўзининг том маънодаги фазилатини намоён эта олмайди" (46-бет). Олим ўз қарашларини изчил мантиққа асосланган гипотетик усул орқали давом эттиради. Гипотетик усул фаразларга асосланиш, хаёл тизгинини узун ташлашдир. Бу усулнинг ўта нозик, симобдай ўёқ буёққа бориб келиб турадиган томони бор. Аммо гипотеза мантиққа боғланган, биографик метод нозикликларига бўйсунган, ижодкор руҳияти тобланишларини ҳисобга олган бўлса, ижобий, илмий ҳақиқатни рўёбга чиқариш мумкин. Бахтиёр Назаров Гафур Фулом оламининг концептуал асосларини ёритгандা ҳам, заргарона нозик таҳлилни қўллаганда ҳам гипотетик усулнинг асосий нуқталарини ҳамиша диққат марказида тутади. Гафур Фулом дунёси асосини тадқиқотчи бундай ифодалайди: "Умр фалсафаси, ҳаётнинг қадрига етмоқ ва уни ардоқламоқ фалсафаси шоирнинг бутун ижоди бўйлаб ўтади ва айниқса поэтик образлар қиёфасида ўзининг бор гўзаллиги билан намоён бўлади" (86-бет).

"Гафур Фулом олами"да психологик таҳлилга эътибор берилади. Гафур Фулом улуғ санъаткор кайфият кишиси эди. У гоҳо тўлиб тошиб ёзарди, гоҳ дилидаги армонларни

ифодалашга қийналиб қоларди. Ижодкордаги қомусий билим, миллий рух, сүзни қачон, қандай қўллаш санъатини эгалаш ҳамиша унинг мушкулини осон қилади. Тадқиқотчи бир неча мисол орқалиFaфурFуломнингуммоний билимини кўрсатади. “Faфур Fулом миллийлик баҳонасида жиддий гапларни таваккал айтиб юборарди.

“Шум бола”даги ҳикоячи бош қаҳрамонми? Унда у “опорка” тарихини, ҳинд савдогар ҳикояларини қаёқдан билади? Faфур Fулом ровий (яширин ҳикоячи) “хизмати”дан унумли фойдаланар эди. Қаранг, “Менинг ўғригина болам”даги ровий “Ҳасан кайфий” даги, “Алиқулнинг қарзи”даги ровийга сира ўхшамайди. Хуллас, Faфур Fулом бадий оламида ровийнинг қанчадан қанча кўриниши, ҳар хил вазифалари бор. Faфур Fуломнинг поэтик, насрый ижодини ровий образисиз тасаввур этиб бўлмайди”. Олим шу тарзда Faфур Fуломнинг бадий оламига кириб бордики, бу истиқлол йилларида буюк файласуф шоир ижодини янгича ракурсда ўрганиш йўлидаги жиддий қадам бўлди. Шу билан биргга тадқиқот миллий адабиётимизнинг улкан вакили F.Fулом ижодини китобхон кўз олдида ёрқин гавдалантиришга хизмат қила олиши жиҳатидан ҳам муҳимдир.



МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Олмос Гуломова-Аҳмедова <i>Гафур Гулом ва Собир Абдулла</i> | 5 |
| Almaz Ülvi Binnatova <i>Səməd Vurğun və Qafur Qulam</i> | 16 |
| Сувон Мели “Менинг ўғригина болам” бадиияти | 23 |
| Атабек Бабаджанов <i>İbratlı umr</i> | 32 |
| Нодир Рамазонов <i>Çaşdii və Fafur Gulom</i> | 38 |
| Баҳром Жабборов Бадиий матн яхлитлигини таъминловчи лисоний бирликлар | 51 |
| Лутфулла Илҳомжонов <i>Қардошлиқ ришталари</i> | 58 |
| Мухтор Мирзоаҳмедов, Бахтиёр Файзуллоев Гафур Гулом асарларида ҳуқуқий масалаларнинг бадиий талқини | 65 |
| Абдулла Улуғов <i>Юксак шеърият жозибаси</i> | 74 |
| Nasiba Bozorova <i>Galdagi vazifa: G'afur G'ulom asarlaridagi ijtimoiy-huquqiy muammolarni o'rGANISH</i> | 108 |

“ФАФУР ФУЛОМ: ШАРҚДАН КЕЛАЁТИРМАН” ★ “ГАФУР ГУЛЯМ: ИДУ С ВОСТОКА”
“GAFUR GULYAM: I AM COMING FROM THE EAST”
халқаро илмий-амалий конференция материаллари

| | |
|---|-----|
| Насиба Ниязова | |
| Творчество узбекского писателя и поэта – | |
| Гафура Гуляма | 115 |
| Шоира Аҳмедова | |
| Истиқлол йилларида Гафур Гулом ижодининг | |
| ўрганилиши | 119 |
| Абдуманнон Ҳасанов | |
| Гафур Гулом ижодининг ўзбек тили барқарорлашувидаги | |
| ўрни | 126 |
| Гулбахар Муратова | |
| Гафур Гулом ҳикояларида ифода воситалари | |
| мутаносиблиги | 132 |
| Ҳамза Ҳайитов | |
| Ҳалқ латифалари ва Гафур Гуломнинг бадиий этикаси | 141 |
| Лейла ТАГИЕВА | |
| Бадиий таржима – халқлар қалбини туташтирувчи | |
| энг яқин йўй | 151 |
| Шоира Машарипова | |
| «Военная лирика» в творчестве Гафура Гуляма | 157 |
| Dilnoza Yarashova | |
| G’afur G’ulomning bolalarga bag’ishlangan she’rlarida | |
| huquqning targ’ib qilinishi | 162 |
| Sevara Qahramonova | |
| G’afur G’ulom asarlarida til va madaniyat hamkorligi | |
| masalalari | 165 |
| Анваржон Йўлдошбеков | |
| Гафур Гуломнинг “Шум бола” асарида вояга етмаганлар | |
| ҳуқуқий масаласи | 168 |